



Пресс-релиз

“Soliq mobil ilovasi va uning imkoniyatlari”

“Солиқ сервис” давлат унитар корхонасида малакали дастурчилар жамоасидан иборат мобил илова яратувчи филиал ташкил этилди. Уларнинг функционал мажбуриятлари “Soliq” мобил иловасини техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, яъни янги функция ва имкониятларни қўшиш ва кенгайтириш, шунингдек, иловани қайта лойиҳалаш ва рефакторинг қилишдан иборат.

Янгиланган мобил илова

2022 йил 1 январдан бошлаб янгиланган “Soliq” мобил иловасида жисмоний шахслар учун “Кешбэк” ва “Солиқ ҳамкор” бўлимлари яратилди. “Кешбэк” – бунда истеъмолчилар QR-кодли харид чекларини рўйхатдан ўтказиб, ой охирида харидлар миқдорининг 1 фоизига эга бўлади. “Солиқ ҳамкор” – назорат-касса техникаларидан фойдаланиш тартиби бузилганлиги тўғрисида хабар бериш учун ишлаб чиқилган. Кешбэк суммаси чек рўйхатдан ўтган ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан сўнг тўлаб берилади.

Мобил илова 9 ойдан буён фаол ишламоқда. Ушбу давр мобайнида унинг интерфейси оптималлашиб фойдаланувчилар учун қулайроқ ва соддароқ кўринишга келтирилди.

“Кешбэк” ва “Солиқ ҳамкор” тизимларининг ҳуқуқий асослари

Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш, замонавий ахборот ечимларини жорий этиш, иктисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори (ПҚ-5252-сон, 04.10.2021) қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида (ВМҚ-255-сон, 12.05.2022) харид суммасидан 1 фоиз қайтариш ва назорат-касса техникаларидан фойдаланиш тартиби бузилганлиги тўғрисида хабар берган шахсларни мукофотлаш тизимини жорий этишнинг аниқ қодалари бўйича низом тасдиқланган.

Қайси чеклар учун кешбэк қайтарилмайди?

Кешбэк чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширганда олинган чеклар учун тақдим этилади. Шу билан бирга, истисно ҳолатлар ҳам мавжуд. Хусусан, автомобиллар, ҳаво ва темир йўл чипталарини сотиб олиш, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов, шунингдек, чек берилганига 10 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса, ёки сотиб олинган товар (хизмат)лар чеки учун аввал кешбэк ҳисобланган бўлса,

қолаверса, ДСК томонидан юритиладиган шубҳали харидорлар реестрига киритилган жисмоний шахслар чеклари учун кешбек ҳисобланмайди.

Рақамлар ва фактлар

Йил бошидан буён 1 453 872 нафар фуқарога 514 млрд сўмдан ортиқ кешбэк тўланган.

Жорий йилнинг 1 январидан 24 октябрга қадар онлайн-НКТ орқали 560 683 595 та чек расмийлаштирилди, бу ўтган йилнинг шу даврига (301 673 214 та) нисбатан 186 % кўп. Шундан 161 906 424 та чек “Soliq” мобил иловасида рўйхатдан ўтказилган ва 514 млрд сўм миқдоридан кешбэк тўланган.

Солиқларни «Soliq» мобил иловасида қулай ва осон тўланг

Жисмоний шахсларга қулайлик яратиш мақсадида қуйидаги солиқ турлари бўйича **қарздорлик ҳақида маълумот олиш ва тўловларни амалга ошириш** имконияти ишлаб чиқилди: жисмоний шахслар учун мол-мулк ва ер солиқлари (423-, 440-моддалар), жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари бўйича даромад солиғи (393-модда), жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация тақдим этиш асосида ЖШШОДС (397-модда), ЯТТ ва ўзини-ўзи банд қилган шахслар учун ижтимоий солиқ (408-модда), ЯТТ қатъий белгиланган даромад солиғи (383-модда), пеня (110-модда). Бунинг учун тўловни амалга оширишдан олдин кўчмас мулк (ер участкаси) эгасининг ЖШШИРи кўрсатиш, ўзини-ўзи банд қилган шахслар учун эса FACE ID орқали авторизациядан ўтиш кифоя. Тизим автоматик равишда қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ақс эттиради. Тўлов амалга оширилгандан сўнг барча тушумлар “Тўланган солиқлар тарихи” бўлимида сақланади.

“Soliq” мобил иловаси янгиликлари

Мобил илова Android / iOS / Harmony OS каби операцион тизим фойдаланувчилари учун мавжуд.

Йил бошидан буён фойдаланувчилар сони бир миллиондан ошди. Ҳозирда мобил илова орқали жисмоний шахслар мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашлари мумкин (мулк эгасининг ЖШШИР коди орқали).

FACE ID – чекни рўйхатдан ўтказган шахснинг қўшимча идентификаторидир. Солиқ органлари чекни рўйхатдан ўтказётган шахсни аниқлаш мақсадида, у томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш учун махсус мобил илова орқали онлайн назорат-касса техникаси чекини рўйхатдан ўтказишда жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамини (ЖШШИР) кўрсатишни талаб қилиши мумкин. (ВМҚ-255 2-боб 6-банд). Жараён оддий: ЖШШИР киритиш ва юзни тўлиқ кўринишда суратга олиб маълумотларни текшириш учун юбориш лозим. Муваффақиятли авторизациядан сўнг шахс тасдиқланади.

Шунингдек, иловага ўзини-ўзи банд қилиш, талабалар учун ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва автотранспорт воситаларини ижарага бериш функциялари қўшилди.

Туризм учун кешбэк

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида “Туризм учун кешбэк” платформаси ишга туширилган. Унга кўра, маҳаллий сайёҳлар республика бўйлаб саёҳат қилиш учун сарфланган харажатларнинг 15 фоизидан 50 фоизигача қайтариб олишлари мумкин.

Бунда “Солиқ” мобил иловасининг

Андроид <https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.soliq.mobile>

iOS <https://apps.apple.com/uz/app/soliq/id1518038410>

кешбэк тўлаш тизимидан фойдаланилди.

Сарфланган маблағларни ҳисобга олиш учун транспорт ва жойлаштириш воситалари хизматларидан фойдаланганлик ҳамда маданият ташкилотларига ташриф буюрганлик учун берилган чекларни (QR-кодини) сканерлаш керак бўлади.

Барча чеклар сканерлангандан сўнг, тўпланган кешбэк суммаси автоматик тарзда ҳисобга олинади ва белгиланган муддатда иштирокчининг шахсий банк картасига ўтказилади.

Солиқ ҳамкор

Иқтисодиётда хуфиёна айлангани қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида солиқ ҳуқуқбузарликлари ҳақида хабар берган фуқароларга ундирилган жарима суммасининг 20%ини мукофот тариқасида бериш амалиёти жорий этилди.

Фуқаролар солиққа оид турли ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш орқали бозорда тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат шароитларини яратиш ва интизомли тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, шунингдек, яширин иқтисодиёт улушини камайтиришга ҳисса қўшади.

Жумладан, жорий йилнинг 1 январидан 26 октябрга қадар “Солиқ ҳамкор” хизмати орқали 20 051 нафар фуқародан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши юзасидан 118 852 та мурожаат келиб тушган. Шундан 56 066 таси такрорий бўлганлиги сабабли рад этилган. 58 448 та мурожаат бўйича текширувлар якунига етган. 57 228 та ҳолатда қонунбузарликлар тўлиқ тасдиқланган. 44 871 нафар фуқарога 29 млрд сўмдан ортиқ мукофот тўлаб берилган.

ДСҚ CALL-маркази (1198)

“Солиқ-сервис” ДУКнинг (Солиқ-сервис) асосий вазифаси солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда хизмат кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир вилоятида “Солиқ-сервис” ДУКнинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилган бўлиб, улар солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда техник ёрдам кўрсатади, шунингдек, солиқ тўловчилардан ҳисобот ва декларацияларни қабул қилишда давлат солиқ хизмати органларига амалий ёрдам кўрсатади.

“Солиқ-сервис” ДУК тузилмаси – марказий аппарат, 14 та вилоят маркази ва 205 та ҳудудий бўлинма, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг саволларига тезкор жавоб берадиган 30 нафар ходимни ўз ичига олган 24 соат (куну-тун) ишлайдиган **CALL-маркази**ни ўз ичига олади. Йил бошидан сентябрь ойига қадар солиқ тўловчилардан 556 231 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 9,2 фоизи солиқ қонунчилиги, 76,4 фоизи интерактив хизматлар, 14,4 фоизи солиқ ҳисоботларидир.

“CALL-марказ”да замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши қўнғироқлар статистикаси ва мониторингини олиб бориш, қабул қилинган ва ўтказиб юборилган қўнғироқлар бўйича электрон ҳисобот яратиш, операторларни электрон баҳолаш, қўнғироқлар учун электрон навбат, қўнғироқларни йўналтириш, конференция қўнғироқлари, суҳбатни ёзиб олиш, ҳолатни аниқлаш оператори, суҳбатни тинглаш ва суфлёр хизматларини таъминлаш имконини берди.